



Халқ сўзи

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 30 ноябрь, № 249 (8872)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БУХОРО ВИЛОЯТИ:

ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — АСОСИЙ МАҚСАД

Президент Шавкат Мирзиёев 29 ноябрь куни Бухоро вилоятида қўшимча имкониятларни юзага чиқариш, инвестиция ва иш ўринларини кўпайтириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

Авваллари бу ҳудуд иқтисодиёти, асосан, қишлоқ ҳўжалигига боғлиқ бўлган эди. Охириги етти йилда вилоятга 4 миллиард доллардан зиёд инвестициялар жалб этилиб, энергетика, электротехника, қимё, фармацевтика, тўқимачилик ва чарм саноати каби қўллаб тармоқлар ривожланди. Жорий йилнинг ўтган даврида Бухорога 1,5 миллион нафар хорижий турист ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбарининг 31 май-1 июнь кунларидаги амалий ташрифи ҳудуд ривожига қўшимча туртки берди. Унда белгиланган вазифалар йил якунигача тўла амалга оширилди.

2025 йилда иқтисодий кўрсаткичларни янада ошириб, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш зарур. Шу мақсадда ишчи гуруҳ томонидан вилоятдаги қўшимча имкониятлар, тадбиркорлик ривожига ҳалал бераётган омиллар ўрганилган.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичла-

ри мавжуд салоҳиятга мос эмаслиги айтилди. Инвестицияларни ўзлаштириш, камбағаллик ва ишсизликни қамайтириш борасидаги ишлар қониксарсизлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу боис ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва сектор раҳбарлари 6 ой даврда иш тартибига ўтади. Бутун эътибор шу учта йўналишни яхшилашга қаратилади. Хусусан, Сайхунбод, Уйчи, Зарбдор ва Гиждувон тажрибалари асосида 70 та драйвер лойиҳани амалга ошириб, 150 минг одамни даромадли қилиш, 40 минг кишини камбағалликдан чиқариш лозим.

Қайд этилганидек, вилоятнинг ҳар бир ҳудудини саноатнинг муайян тармонига, масалан, Пешку ва Шофиркон туманларини қурилиш материаллари ҳамда тўқимачиликка, Когон шаҳри, Олот ва Жондор озик-овқат, Гиждувон ва Ромитани қимё саноатига ихтисослаштириш керак. Бу тадбиркорларнинг 150 миллион долларлик лойиҳаларига йўл очади. Бунинг са-

марасида 411 та кичик корхона, 12 мингта иш ўрни пайдо бўлади.

Вобкент, Қорақўл, Жондор ва Олотда 320 миллион долларлик 4 та тўқимачилик корхонаси қуриш лойиҳалари бор. Натижада тайёр трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари ҳажми 2 баробар ошади, 5 мингта иш ўрни яратилади.

Келгуси йил Бухорода хорижий туристлар сони 2,2 миллионга, туризм экспорти 600 миллион долларга етиши кутилмоқда. 69 та янги меҳмонхона, 2 мингта хунарамандчилик раста ва дўконлари барпо этилиши бунга катта ҳисса қўшади.

Қўшимча 20 минг гектар ер майдонларини ўзлаштириш мўлжалланган. Бунинг ҳисобига қўшимча 100 минг тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилади ва 2 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади. Томорқалар, дала чети ва каналлар атрофидаги бўш ерларда ҳам қўшимча дархат ва озик-овқат маҳсулотлари экилади.

Яна бир имконият — яйловлар. Бухоро вилоятида 2 миллион гектардан зиёд шундай ерлар бор. Қуни кеча мева-сабзавотчиликни ривожлантириш бўйича ўтказилган йиғилишдан келиб чиқиб, ҳозирда фойдаланилмаётган яйловларда pista етиштириш режалаштирилмоқда.

Йиғилишда Бухоро вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Умуман, келгуси йилда 2 миллиард долларлик хорижий инвестиция ҳисобига 106 та лойиҳани амалга ошириш мўлжаллангани айтилди. Уларда 105 мингта доимий иш ўрни яратилади, 350 миллион доллар экспорт бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу режалар вилоят учун етарли эмаслигини таъкидлаб, саъй-ҳаракат ва натижаларни ошириш бўйича кўрсатмалар берди. Таклифларни яна бир бор қўриб чиқиб, қарор лойиҳасини қиритиш топширилди.

Ў.А.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ:

ЯРАТИЛИШИ, ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ВА ИЖРО ЭТИЛИШИ



ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ

Бу йил юртимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрами “Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” деган бош ғоя асосида кенг нишонланади. Янги Ўзбекистон ҳаётининг турли соҳаларида изчил давом этаётган кенг қўламли ва шиддатли ислохотлар натижаларини мустаҳкамлашда янги таҳрирдаги Конституциямизнинг аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон Президентининг “Янги таҳрирдаги Конституция бизга инсон ҳуқуқлари, демократия, эркинлик, барқарорлик, тенглик ва тараққиёт тамойилларига асосланган ҳуқуқий ва адолатли давлат қуриш йўллари кенг очиб берди”, деб таъкидлагани замирида ғоят улуғвор ҳақиқат мужассам. Конституциямизда давлат ва жамият тараққиётининг

ҳуқуқий мафкуриси, халқимиз янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида таянадиган конституциявий қадриятлар ва тамойиллар қатъий белгилаб берилгани бу фикрнинг яққол исботидир.

Конституция — эркин ва тўкин ҳаёт гарови!

Конституциявий ислохотнинг асосий ташаббускори — халқимиз, бош ғоявий илҳомлантирувчиси — Ўзбекистон Президенти

Маълумки, 2021 йилги Ўзбекистон Президенти сайлови жараёнида барча номзодларнинг электорат вакиллари билан учрашувлари чоғида ҳаётий талабдан келиб чиққан ва мамлакатимиздаги демократик ислохотларнинг мантйқий давоми бўлган муҳим таклиф илгари сурилди. Бу — конституциявий ислохотни амалга ошириш.

Ўз навбатида, 2021 йил 6 ноябрдаги янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган нутқида конституциявий ислохотнинг назарий асоси сифатида **Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси** белгилаб берилди. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида ҳам конституциявий ислохотга алоҳида бир фасл бағишланган. Унда сайловолди учрашувлари пайтида халқ билан мулоқот жараёнида ўртага ташланган муҳим таклиф ва ташаббуслар, бугунги тараққиётимиз ҳамда истиқбол режаларига оид хулосалар ўз аксини топган.

Шу маънода, **Ўзбекистонда консти-**

туциявий ислохотнинг бош ғоявий илҳомлантирувчиси, **шубҳасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев** ҳисобланади. Конституциявий ислохотнинг асосий ташаббускори эса мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламидир.

Замонга мос ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этаётган бугунги шиддатли давр меъзоуларига жавоб берадиган мукамал Конституцияга эга бўлиш — миллий давлатчилик анъаналаримизга, халқимиз манфаатларига муносиб ишдир. Дунё мамлакатларининг ривожланиш амалиёти ҳам конституциявий қўнучилик изчил ва муттасил такомиллашиб бориши зарурлигини кўрсатади.

Ҳуқуқий давлатда Конституция билан жамият ривож ўртасида узилиш бўлмаслиги керак. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси талабига кўра, миллий қўнучилик ва ҳуқуқий амалиётда **“инсон — жамият — давлат”** тамойилини мустаҳкамлаш лозим.

Шу маънода, **Конституциявий ислохот — Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тақозосига айланди**. Бинобарин, “Харакатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этди.



ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ВА ҲУДУДЛАР МАНФААТЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича доимий комиссия аъзолари учун семинар ташкил этилди.

Семинар

Тадбирда ушбу доимий комиссия фаолиятини самарали йўлга қўйиш, унинг қўмита ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, маҳаллий ижро ҳокимияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, қўнун муҳофазасини кўйи бўғинлар депутатлари билан биргаликда ўтказишга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Айни чоғда қўнун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий Кенгашларни кенг жалб этиш, ҳар бир қўнун бўйида уларнинг фикрини, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги ўргунланди.

Шунингдек, ҳудудлардаги таълим ва соғлиқни сақлаш органларига Кенгаш сўрови ва текшируви каби янги механизмларни амалиётга татбиқ қилиш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни янада кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Зеро, бу орқали мактабгача, мактаб, олий таълим ва соғлиқни сақ-

лаш муассасалари фаолиятини ташкил қилишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мумкин бўлади.

Тадбирда Сенат томонидан тайёрланган услубий қўлланма тақдироти ҳам ўтказилди.

Эътироз этилганидек, бу қўлланма доимий комиссия фаолиятини самарали йўлга қўйишга, уларнинг асосий йўналишлари бўйича режаларни белгилашга, муҳофазаларни тўғри ташкил этиш ҳамда аниқ натижаларга эришишда амалий ёрдам беради.

Семинар давомида Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари масъулларининг маърузалари тингланди. Унда маҳаллий ҳокимият органлари ва доимий комиссия ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ва ҳудудий муаммоларни жойида ҳал этиш бўйича тавсиялар берилди.

Ўз навбатида, доимий комиссия аъзолари маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан таклифларини билдирди.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасида

СУБСИДИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қўнун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур қўнун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита Ҳукумат ишчи гуруҳи билан биргаликда сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари билан биргаликда бира-бир қўриб чиқмоқда.

Шу ўринда аҳоли фаровонлигини ошириш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий соҳа хизматлари сифатини янада ошириш, “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган таклиф ва тавсияларга алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли жон бошига даромад миқдорини муттасил ошириб бориш борасида бюджет, солиқ ва божхона қўнунчилигида кўзда тутилган ўзгаришларга ўз муносабатларини билдирди. Шунингдек, миллий қўнунчиликни ЖСТ талабларига уйғунлаштиришда келгуси йилда амалга оширилиши

лозим бўлган чора-тадбирлар ҳам эътибор марказида бўлди.

Халқ вакиллари 2025 йил учун Давлат бюджетидан 28 трлн. сўмдан ортқ субсидиялар ажратилаётганига эътибор қаратиб, уларни мақсадли ишлатиш, манзиллилиги ва натижадорлигини таъминлаш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди.

Йиғилишда, шунингдек, “Солиқ ва бюджет сўбасининг 2025 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида”ги қўнун лойиҳаси ҳам дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Қўнун лойиҳаси билан Солиқ кодексининг амалдаги 37 та, Бюджет кодексининг 1 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритилаётганига эътибор қаратилиб, ҳар бир ўзгариш бўйича берилган саволларга ташаббускорлардан асосланган жавоблар олинди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Халқ сўзи».

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ СОҒЛОМ БЎЛАДИ

Соғлиқ — ҳар бир инсоннинг энг катта бойлиги. Шу боис юртимизда аҳолининг саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлаш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Айниқса, хотин-қизлар соғлигига қайғуриш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз томонидан 22 ноябрь куни имзоланган “Аёллар орасида онкологик касалликларни назорат қилиш сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши юртимиз аёллари саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.


Муносабат

Ҳужжатга мувофиқ, ҳар йили 30 — 50 ёшдаги аёлларда бачадон бўйни саратони скрининги ўтказиладиган бўлди, тиббиётнинг бирламчи бўғинидаёқ мазкур ёш гуруҳига мансуб аёлларнинг электрон базасини шакллантириш вазифаси белгиланди. Бу бежиз эмас. Онкологик касалликлар бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам, афсуски, йил сайин кўпайиб бормоқда.

Статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича ҳар йили 16 миллионга яқин онкологик

беморлар аниқланади. Шундан 8-9 миллиони ҳаётдан кўз юмади. Бунинг асосий сабабларидан бири ўсма касалликлари кеч босқичда аниқланиши ва касалликнинг яширин кечиши ҳамда эрта босқичларда муружаат қилинмаслигидир. Юртимизда эса йилига 22 мингдан ортқ беморларда онкологик хасталиклар қайд этилмоқда.

Беморлар сонининг ошиб бораётганига бир неча омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Ушбу омиллар сирасига атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иқлимнинг глобал ўзгариши, истеъмол қилаётган озик-овқат ва ичаётган сувимиз таркибида турли



Факт ва рақамлар

МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган экин майдонлари мавжуд.

Бу йил озик-овқат экспорти ўтган йилдагига нисбатан 370 миллион долларга кўпайиб, ҳозиргача 2 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистон ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, гилос ва шафтоли бўйича еттинчи, мош ва бошқа дуккакли маҳсулотлар бўйича ўнинчи ўринга чиқди.

Биргина гилос 16 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.



Сенат кўмиталарида

Халқнинг
чинакам овозига
айланади

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш ҳамда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмиталари томонидан вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар)лар кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиялари учун ўқув семинари ўтказилди.

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари аъзолари, котибият мудирлари, Сенатнинг Худудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази ходимлари, ОАВ вакиллари ҳамда экспертлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар изчиллигини оширишга йўналтирилган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида янги Ўзбекистонни барпо қилишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини халқнинг чинакам овозига айлантириш асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Бу борада, албатта, Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва кўмаклашиш йўналишидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Қонунчиликда масъуллар ҳисоботи (ахбороти)ни эшитиш тартибини амалда таъминлаш учун халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари нозорати институтини жорий қилиш вазифаси белгилаб қўйилган.

Хусусан, маҳаллий Кенгашларнинг коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссиялари зиммасига Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) минтақавий вакили, Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) минтақавий вакили, прокуратура, мажбурий ижро бюроси, ички ишлар, адлия органлари раҳбарларининг ҳисоботини (ахборотини) дастлабки тарзда эшитиш вазифаси юкланган.

Давлат органларида ички назорат етарли эмас

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.

“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ижросини самарали ташкил этиш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар масаласига бағишланган ушбу тadbирда сенаторлар, Коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашлари аъзолари, кўмиа та експертлари, вилоят ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, давлат ташкилотлари раҳбарлари, коррупцияга қарши курашиш бўйича ички назорат тузилмаси масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, кузатилаётган мавжуд коррупциявий ҳолат маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда бошқа давлат органларида ички назорат етарлича амалга оширилмаётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса қонун бузилишига шароит яратиб бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шундан келиб чиқиб, сенаторлар томонидан қонунчиликка зид бундай ҳолатлар ҳар бир худудий кенгаш аъзосидан олдиға қўйилган вазифаларни тўлақонли бажариш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш ва уларға чек қўйиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф қилиш юзасидан самарали фаолият кўрсатишнинг талаб этилиш ургуланди.

Мажлис якунида худудлардаги коррупцияға қарши курашиш бўйича мутасаддилардан фаолиятини янада қучайтириш, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этиш ва қонун ижросини самарали уюштириш чора-тадбирларини қамраб олган Сенат кўмитаси қарори қабул қилинди.

Қарорға мувофиқ, вазирилик ва идораларға коррупцияға қарши курашиш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалда қўллаш юклатилди.

«Халқ сўзи».

ЙОД ЕТИШМАСЛИГИ КАСАЛЛИКЛАРИ КАМАЙГАН, АММО...

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмиталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда мазкур кўмиталар ҳамкорлигида ўтказилган “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг йодланган туз ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлашда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан стандартлар мажбурий талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалға оширишга оид қисми ижросини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Қонун ва ижро

Қайд этилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли ўртасида йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси ва эндемик буқоқ касаллигининг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида амалға оширилмоқда. Натижалар ҳам шунга мос. Айни чоғда йод танқислиги ҳолатларининг тарқалиш даражаси 31 фоизни ташкил этиб, 20 йил мобайнида 2,5 баробар камайишиға эришилган.

Аммо шунға қарамасдан Ўзбекистон ҳамон йод танқислиги бўйича оғир худуд бўлиб қолмоқда. Мисол учун, 2023 йилда йод танқислиги касаллиги ҳар 100 минг аҳолиға Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жиззах ва Бухоро вилоятларида мамлакат кўрсаткичига нисбатан баланд бўлгани ташвишланарлидир. Ана шу даврда йод танқислиги кўрсаткичи болалар ва ўсмирлар орасида мамлакат бўйича ҳар 100 минг аҳолиға ўртача 712 ва 3 593 нафарни ташкил этган.

Мазкур кўрсаткичнинг ўзиёқ “йод танқислиги пандемияси” давом этаётганини билдиради.

Шу ва бошқа ҳолатлар аҳоли орасида эндемик буқоқдан касалланиш кўрсаткичини камайитириш ва ош тузини йодлаш бўйича талабларни халқаро стандартларға мувофиқлаштириш заруриятини юзаға келтирди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2007 йилда қабул қилинган қонунда йод етишмаслиги касалликларининг оммавий профилактикаси озиқ-овқатға йодланган туз ишлатиш ва йодланган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолға етказиш орқали амалға оширилиши белгиланган. 2024 йилнинг 9 ойи якуниға кўра ўтказилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, мамлакатимизда 94 та ош тузи ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва ундан фойдаланувчи корхона мавжуд. Уларнинг бор-йўғи 24 тасида

Сенатор МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг эксперт кенгаши сессиясида қатнашди

МДХ Парламентлараро Ассамблеяси ҳузуридаги Соғлиқни сақлаш бўйича эксперт кенгаши, МДХ ПА Кенгаши котибияти Клиник тавсиялар ва миллий соғлиқни сақлашни ривожлантириш бўйича Евросиё ҳамкорлик ташкилоти Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан биргаликда “Дори воситаларининг самарадорлиги ва улардан фойдаланиш қўлайлиги: технология ва далиллар базасидан беморға етказиш” мавзусида тўртинчи, якуний эксперт сессиясини ўтказди.

Хамкорлик

Анжуманда МДХ ПА ҳузуридаги Соғлиқни сақлаш масалалари бўйича эксперт кенгаши, соҳавий халқаро ташкилотлар ва академик ҳамжамият вакиллари қаторида Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Б. Абдуллаев ҳам

иштирок этди. Шунингдек, унда МДХ иштирокчи давлатлари парламентлари, Ҳамдўстлик мамлакатлари тегишли вазирлик ва идоралари, миллий фанлар академиялари, тиббиёт муассасалари халқаро тузилмалари, суғурта ва фармацевтика компаниялари, беморлар

«Халқ сўзи».

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ СОҒЛОМ БЎЛАДИ

Бачадон бўйни ва кўкрак бези саратони скринингға нодавлат тиббиёт ташкилотлари жалб қилинади. 2025 йил 1 майиға қадар эса бачадон бўйни саратони скрининги ва кўкрак бези саратонини эрта аниқлаш сифатини баҳолаш ва мониторинг қилиб бориш ҳамда скрининг дастуриға киритилган аёллар билан қайта алоқа қилиш тизимлари жорий қилинади.

Тахлилларға кўра, жами онкологик касалликларнинг ўртача 20 — 25 фоизи аёллардаги кўкрак бези ва бачадон саратонига тўғри келади. Ўзбекистонда ҳар йили 1,6 мингға яқин аёллар бачадон бўйни саратони ташхиси билан рўйхатға олинади, 600 га яқин аёллар ундан вафот этади.

Кўкрак бези саратони ҳам саратоннинг аёлларда кенг тарқалган шаклидир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳисоботига кўра, биргина 2020 йилда Ўзбекистонда бир неча янги касаллик қайд этилган ва 2 067 нафар аёл ушбу касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмган.

Аёллар саломатлиги жамият бойлиги ҳисобланар экан, демак, туғилган кунидан бошлаб қизларнинг соғлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш йўлида глобал ва маҳаллий миқёсда доимий кўмак ҳамда имкониятлар берилиши табиийдир.

Сўнги йилларда мамлакатимизда фертил ёшидаги аёлларнинг соғлигини тиклаш мақсадида бепул дори ва витаминлар билан таъминлаш ийўлга қўйилди. Президентимизнинг тегишли Фармони билан Ўзбекистонда онкологик касалликлари даволаш учун дори воситаларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилиши белгиланди.

2021 йилда ушбу вазифаларни бажариш учун 30 млрд. сўм ишлатилган, 2022 йил давомида туғиш ёшидаги, ҳималдор ва бола парварлишидаги аёлларни дори ҳамда витаминлар билан таъминлаш учун 100 млрд. сўм ажратилиши аёллар саломатлиги йўлида яна бир залварли қадамдир.

Оғриқли нукталар босқичма-босқич бартараф этилади

Касаллиқни даволагандан кўра, унинг олдини олган маъқул. Шунинг



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ТАДБИРКОРЛИК КАФОЛАТЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Куйи палатанинг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари кўмитаси томонидан “Янги Конституция — янги ислохотлар даври” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Таъкидланганидек, янги тахрирдаги Конституция давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ҳужжат бўлиб, у ўзининг асосий тамойиллари билан мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларини тартибға солади. Бош қомусимизда ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг мутлақо янги механизмларини назарда тутуви конституциявий асослар мустаҳкамланди. Миллий иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, мулк ҳимоясини янада қучайтиришға қаратилган нормалар ўз аксини топди.

Давра суҳбатида мазкур

конституциявий кафолатлар тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, солиқ юкини камайитириш, эркин ва рақобатли бизнесни яратишға хизмат қилиши алоҳида қайд этилди.

Бош қомусимизда ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Шунингдек, ернинг хусусий мулк сифатида эътироф этилгани мулкдорлар қатламининг кенгайишиға, ер бозорининг ривожланишиға, ер участкаларидан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлиқнинг ошишиға хизмат қилади.

Депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисида Президентимиз томонидан эскирган уйлар ўрнида замонавий кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун “Реновация тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш тақлифи биндирилганға эътибор қаратиб, ушбу масала юзасидан қатор тақлифларни илгари сурди.

Шулардан келиб чиқиб, саноат соҳасини янада ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қонун билан ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш, рақобат муҳитини таъминлашға қаратилган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари кўмитаси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг куйи палата мажлисларидаги нутқларидан келиб чиқиб, кўмиа олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.

Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг оруз-интилишлари, қобилият ҳамда салоҳиятини рўёбға чиқариш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, сифатли таълим олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани ва бу тизим замон талабларига ҳамохан равишда тақомиллаштириб борилаётгани қайд этилди. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ижтимоий йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг амалий ифодаси бўлиб, соҳадаги муносабатларни тартибға солиш

билан бирға, таълим сифатини замон талаблари даражасига кўтаришға хизмат қилаётганиға урғу берилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари нутқларида илгари сурилган муҳим ташаббуслар депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклаши, бу борада кўмиа аъзолари соҳадоир қонунчиликни тақомиллаштириш, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда янада фоол бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Яқунда кун тартибидаги масала юзасидан кўмиа олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

ТАШАББУСКОРЛИК ВА ФАОЛЛИК – БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг куйи палатадаги фракцияси ва партия Марказий кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг сайловдан кейинги биринчи мажлисларида илгари сурилган парламентнинг қонун ижодкорлиги ва назорат фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, сиёсий партиялар дастурларини амалға ошириш билан боғлиқ муҳим ғоя ва ташаббуслардан келиб чиқиб, депутатлар олдида турган долзарб вазифалар, сайловдан кейинги ишларни самарали ташкил этиш билан боғлиқ масалалар атрафлича муҳокама қилинди.

ЎзДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятوف партия фаоллари, депутатлик корпуси давлат ва жамиятнинг ривожлантириш, электротар манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнларида фоол иштирок этиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда фракция аъзолари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамкорликда жамият ва давлат ҳаётининг муҳим соҳаларини назорат қилиш, Ҳукумат, жумладан, вазириликлар ва идораларнинг ҳисоботларини эшитиш, қонунларнинг жойлардаги ижро этилиши ҳолатини назорат-таҳлил тартибида ўрганиб бориш ишларини янада қучайтириш кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, фракциянинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги фаолияти самарадорлигини юксалтириш, парламент назоратининг таъсирчан шаклларидадн унумли фойдаланиш, халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳолиға енгилликлар яратиш, долзарб қонунларнинг қабул қилинишида ташаббускорлиги ва иштирокини қучайтириш билан боғлиқ вазифаларға алоҳида тўхтаб ўтилды.

Қўшма йиғилишда ЎзДПнинг Сайловолди дастуридаги ҳар бир ғоя ва ташаббусни рўёбға чиқариш мақсадида ишлаб чиқилган партиянинг 2024 — 2029 йилларда мўлжалланган Ҳаракат дастури тақдим этилди.

Унда белгиланган мақсад ва вазифаларни бажаришда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг доимий ҳамкорлигини таъминлаш, ҳуқуқий имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ушбу кўрсаткич 5 бараварға оширилди. Республика бўйича 10 мингдан зиёд ногиронлиги бўлган аёллар реабилитация воситалари билан таъминланадиган бўлди.

Бундан мақсад — бемор аёлларға гамжўрлик кўрсатиб, уларнинг соғлигини тиклаш, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида мавқенини сақлаб қолиш. Туғуруқ комплекслар ва туман перинатал марказларининг таъмири бўйича амалий ишлар белгиланиши ҳам эътиборға молик масалалардан. Жумладан, 2022 — 2025 йилларда 207 та туғуруқ комплекси ва 46 та туманлардо перинатал маркази тўлиқ таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Ва бу билан мазкур огриқли нукталар босқичма-босқич бартараф этилаётир.

Аёл соғлом бўлса, жамият соғлом бўлади. Жамиятимиз соғломлиги эса фаровон ҳаётға, ёрқин келажакка ташланган қадам. Шу маънода, давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ушбу қарор хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, пировардида эса соғлом фарзандлар туғилишида, жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шухрат БОЙМУРОДОВ, Тошкент тиббиёт академияси ўқув ишлари бўйича проректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

